

# Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi\_bot



Уғилларини урушга юборган она келинлари билан рўзгор тебрата бошлайди. Келинларининг ички кечинмаларини қайнона эмас, АЁЛ бўлиб тушунишга ҳаракат қилади, қалбидаги яра уларникиданда юксак бўлсада, келинларига далда бўлади.



“Номинг ўчсин, уруш!”. Бу кўпларнинг нафратига учраган, юрагидан отилиб чиққан фарёд! Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари кўпларнинг ёстигини қуритгани тарихдан маълум.

## “ILNAQ” DAGI ILNAQ KELINLAR...



Ярим тун, соат 2.00 да туғруқхонага шошилиб кириб келган ёш келин-куёвни шифокорлар ажабланиб қабул қилишди. Улар фарзанд кутаётганга ўхшамасди, қолаверса, бемор кўриниши ҳам йўқ эди ёш келинда. Ярим тунда Оқдарё туманидаги туғруқхонага келишга ёш келин-куёвни нима мажбур қилди?  
Шифокорларнинг айтишича, ҳомиладорликни билиш учун тест қилдирган, аммо унинг натижасини тушунмай, шифокорлардан маслаҳат олиш учун келган экан! ●6

## Tug'ruqxonadagi holat

Бирор тарихий, жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаган шахс ҳақида сўз юритар эканмиз, беихтиёр у қандай уйда яшаган, қандай шароитда илҳомланган, куч олган, бўш вақтини қандай ўтказган. Умуман, кўпларни истеъдоди билан ҳайратлантира олган улугларнинг оддий инсон сифатида қандай бўлганликларига қизиқиб қоламиз.

Ахир асарлари билан сизни йиғлатган, қувонтирган маҳоратли адиб мўъжаз ҳовлисида худди сизнинг гулхонангиздаги каби атиргулларни парваришлаган, сиз каби тонгда райҳон бўйларида баҳра олишни севган, дарсхонангиздаги столнинг эгизаги қаршисида ўтириб, ижод қилган бўлиши мумкин. Буни билиш, қумирингиз билан умумий нималардир борлигидан хабардор бўлиш қанчалик мароқли. Юқоридаги каби саволларга жавоб топиш, сеvimли тарихий сиймонгизга бир оз бўлсада, яқинлашишда уй-музейларини зиёрат қилиш айна муддао. ●11

## Uy muzeylarga borganmisiz?

Орадан олти ой ўтдики, менга оналик бахти насиб этмади. Эшитишимча кўшнилариимиз ҳам чиқиб, қайнонамга: “Ҳозир боласи йўқ вақти ҳайдаб юборинг-да. Кейин бирортасини етаклаб кетса, Жасур бутун умр алимент тўлаб юрадимиз?” – деб айтишар экан. Турмуш ўртоғим эса, “Худо насиб қилган куни албатта фарзандимиз бўлади. Бунинг учун сиқилма” дердилар. Биз ёлғиз Худодан умид қилардик. Чунки бирор марта шифокорга учрашимизга рухсат бермасди. Бир йил, икки йил ўтса ҳам Танграм бизга фарзанд бермади.



## “IGNA UCHIDAGI BAXT”

# ABITURIYENTLARNI BU YIL QANDAY SINOVLAR KUTMOQDA?

**Тез орада ўқувчи-ёшлар умумтаълим мактаблари, лицейларни тамомлаб олий таълим муассасаларига тест топшириш ҳаракатига тушиб қолади. Уларни бу йил қандай синовлар кутиб турибди?**

сони 6 тадан ўртача 10 тагача етказилмоқда. Абитуриентларнинг тест топшириқларини тез англай олиши, фикрлашлари ва вақт тежашлари учун жорий йилда ҳам тарих, география, чет тили (инглиз, немис, француз), биология ва кимё фанларидан расмий тест топшириқлари бўлади.

Шунингдек, она тили ва адабиёт фанидан мустақил ўқиш учун тав-

абитуриентларга янада қулайлик яратиш мақсадида "Доимий физик катталиклар жадвали" ишлаб чиқилди, у тест синови жараёнида тақдим этилади.

Муҳим янгилликлардан бири, абитуриентларни рўйхатга олишда киритиладиган маълумотлар камайтирилади. Уйдан чиқмаган ҳолда мобил телефон ёки компьютер орқали рўйхатдан ўтиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Абитуриентлар Давлат хизматлари марказлари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали онлайн режимда рўйхатдан ўтиши мумкин. Айни пайтда dtm.uz сайтида яратилган дастур тест режимида ишляпти. Абитуриентлар тажриба сифатида рўйхатдан ўтиб кўриши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 14 майдаги "Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан белгиланган мuddат ва 2020/2021 ўқув йили қабулдан бошлаб тест синови топшириладиган фанлар мажмуасини икки бўлимга ажратиб, биринчи бўлимга барча тест топширувчилар учун мажбурий учта фан – она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи, иккинчи бўлимга абитуриент танлаган бакалаврият таълим йўналишига мос иккита фан киритилиши аниқ.

Ҳар қандай вазият ва шароитда ҳам олий таълим муассасаларига бу йилги кириш тест синовлари ўтказилиши маълум қилинди. Матбуот хизматининг қайд этишича, муҳим қарорни Республика махсус комиссияси чиқаради. Бу тез кунларда бўлиши кутилмоқда.



## VAZIRLIK AXBOROTI: BOG'CHALAR QACHON ISHGA TUSHADI?

Шу кунларда кўпчилик ота-оналарни "Боғчалар қачон ишга тушади?" деган савол қизиқтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Ахборот хизмати бу саволга оидинлик қилиб, ота-оналар ва мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари эътиборига қуйидагиларни маълум қилди:

"Мактабгача таълим вазирлиги сизга шуни маълум қиладики, Республика махсус комиссиясининг жорий йил 8 майдаги алоҳида ҳудудларда карантин чораларини юмшатиш ҳақидаги қарорига қарамай, хавфсизликни таъминлаш мақсадида таълим муассасалари ва ўқув курслари, шу жумладан, давлат, хусусий, оилавий, давлат-хусусий шериклик асосидаги МТТлар фаолиятига чеклов ўз кучида қолади.

Ушбу чеклов чораларини узайтиришдан мақсад, болалар хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг саломатлигини коронавирус инфекциясини юқтириб олиш хавфидан ҳимоя қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида карантин чораларига риоя этмаслик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланганлигини эслатиб ўтаемиз.

Карантин чораларини юмшатиш босқичма-босқич амалга оширилади ва болалар томонидан коронавирус инфекциясини юқтириб олиш хавфи тўла бартараф этилган захоти, МТТлар фаолияти тикланади.

Мамлакатимизда болалар саломатлиги учун хавфсиз эпидемиологик вазият барқарорлашга, Мактабгача таълим вазирлиги МТТлар фаолияти тикланиши ҳақида кўшимча маълум қилади".



Президентимиз ташаббуси билан бу йилги қабул ва тест жараёнларини янада соддалаштириш ишлари олиб бориляпти.


Давлат тест маркази ахборот хизматининг маълум қилишича, карантин чекловлари туфайли абитуриентлар кириш тест синовларига қутилганичалик тайёргарлик кўра олмаган. Шу боис, улар учун бу йил имтиҳонларда енгилликлар яратилиши режалаштирилмоқда.

Бунда фанлар кесимида ҳар бир вариантда қўлланиладиган биринчи қийинлик даражасидаги (энг осон) тест топшириқлари

сия қилинган бадиий асарлардан тест топшириқлари сони кўпаяди. Матн таркибидаги сўзлар тўғри қўлланилганлиги, гаплар тўғри шакллантирилганлигини аниқлаш, маъносини топиш ва асосий мазмунини тушуниш юзасидан тест топшириқлари шакллантириляпти.

Маълум қилинишича, кимё фанидан назарий саволлар сони оширилади, лаборатория ишларига оид тест топшириқлари яратилади. Физика фанидан ҳам энг осон тест топшириқлари сони ўнтагача оширилади ва назарий тест топшириқлар сони кўпайтирилади. Шунингдек,

## ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗЛАРИ



### Марказларнинг асосий вазифалари:

Замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда "Оила жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принципини, "Фаровон оила – жамият раванқининг асоси" концептуал ғояни никоҳланувчиларни онгига синдириб бориш;

никоҳланувчи шахсларни оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисод ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича тизимли тайёрлашни йўлга қўйиш;

никоҳланувчи шахсларда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш ҳамда ибратли ота-она бўлиш кўникмаларини шакллантиришда кўмаклашиш;

машгулотлар, назарий-амалий курслар, маҳорат сабоқлари, давра суҳбатлари, семинар-тренингларни илғор ижобий хорижий тажрибаларни инobatга олиб, ўқув жараёнига энг сўнгги илмий-усlubий технологиялар ва реклама-ахборот усуллари жорий этган ҳолда ташкил этиш;

ёш оила ҳолати ва ривожланишини ҳар томонлама ўрганиш, жумладан, мониторинг тадқиқотини ташкил этиш.





### Марказларнинг бош мақсади:

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, юқори маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мустаҳкам, тотув ва бахтли оила яратишга кўмаклашиш, уларга аънъанавий оилавий қадриятларни синдириш, шунингдек, оиланинг замонавий моделини шакллантиришдан иборат.



Марказларда машгулотларни ташкил қилиш тартиби: ФХДЁ органи томонидан никоҳга кириш учун ариза берган шахсларга марказларда бепул ва ихтиёрийлик асосида қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишлари мумкинлиги тўғрисида маълумот бериледи:

- оилавий-ҳуқуқий муносабатлар;
- оилавий турмуш психологияси;
- репродуктив саломатлик асослари;
- ота-оналик ижобий кўникмалари;
- иқтисод ва оила бюджети;
- маънавий-ахлоқий қадриятлар.



### Никоҳдан ўтишнинг кетма-кетлиги

1. ФХДЁ бўлимига никоҳ тузилишидан камида бир ой олдин ариза топширилади.
2. Тегишли ҳужжатлар тақдим этилади (шахсни тасдиқловчи гувоҳнома, ҳарбий гувоҳнома ва муқаддам никоҳда бўлган шахслар учун никоҳ бекор қилинганлик ҳақида ҳужжат).
3. Никоҳни расмийлаштириш учун белгиланган давлат божи тўланади.
4. Тиббий кўриқдан ўтиш учун йўлланма олинади (тегишли диспансерлардан хулоса олинади).
5. Никоҳ расман қайд этилади.

# ОТА МАҚОМИГА ДОГ‘

Фарзандсиз ота бўлмайман дейиш етарли эмас, ота оилани қўллаб-қувватлайди, оналарга болаларни тарбиялашда ёрдам беради. Ота уйга маст ҳолда келиб, дўкондан ширинликлар олиб келадиган одам эмас, ота қўлида ўралган болани эҳтиёткорлик билан ушлаб, уни сигарет тутуни ичида қолдирадиган одам эмас... Хўш, у ким ўзи – ҳақиқий ота?

Ҳақиқий ота ҳаётнинг барча соҳаларида меҳнаткаш. У яхши дўст, яхши ҳамкасб. Эҳтиёмандларга ёрдам беришга тайёр, уларни тушунишга ва завқланишга қодир. У ижтимоий фаол, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоячиси. У ҳеч кимни камситилишига йўл қўймайди. Ота ҳар доим ўз хотинига меҳр-муҳаббат, ота-онага бўлган севги ва ҳурматни намоён этади, уйга қувонч ва ғамхўрлик олиб келади. У ўнг қўлида ўғлининг қўлига болга ушлаб, чап қўлида миҳни ушлаб туради ва шу билан бирга улар болалар боғчасига дастгоҳ ясаб, тахтага миҳ қоқишади. Бола хўрсинса хўрсинади, хафа бўлса хафа бўлади. Ишончим комилки, фақатгина бундай оталар (ва албатта, худди шу оналар) ўз фарзандларини тарбиялашда муваффақиятга эришадилар. Биз болаларимизга оталари ва оналари билан фахрланишлари учун маънавий ҳуқуқлар беришимиз керак, чунки биз улар буни қандай хоҳлашларини биламиз. Ва ота-жон ҳалол, адолатли ва сезгир, ўз фарзандлари учун умрбод дадажон бўлиб қолади. У ҳатто вафотидан кейин ҳам неваралар фотосуратлар орқали танишган тақдирда ҳам уларга таълим беришни ва насиҳат қилишни тўхтатмайди. Мен шунчаки ҳайқирганини хоҳлайман: “Ота, шарафингизга эътибор беринг, чунки бу биз болаларга қолдирадиган энг қимматли меросдир!”

Лекин ораимизда шундай оталар борки... Улар оталик қандай бўлиши кераклигини эмас ҳатто ота бўлганини ҳис қилмайдилар. Яқинда бир ота фарзандига алимент тўламаслик учун боласини каналга отиб юборганди. Кейинги пайтларда хорижга ишлашга кетиб йиллаб боласини кўрмаётганлар ёки оиласидан воз кечиб ўша томонларда яна бошқа оила қуриб яшаётганлар, оқибатда кўз очиб кўрган аёли бевага, фарзандлари тирик етимга айлиб қолаётганлар ҳақидаги воқеаларга кўллаб ғувоҳи бўлаяемиз. Шунда ўйлайсан, наҳотки инсон қадр шунчалар паст бўлса. Оила аталмиш кўрғоннинг пойдевори мўрт бўлса. Ахир оила муқаддас деб бонг уришларимиз бекоргами? Уруш даврида оиласи бағрига қайтмаган эркаклар, бир бора фарзандини, аёлини, севган ёрини кўришга муштоқ бўлган эркаклар армонда ўтиб кетганлар. Ҳозир тинчлик даври. Оиласини соғинган эркак қўлини узатса етгулик шароитлар мавжуд. Лекин нега эркаклар осонгина оиласидан, фарзандидан воз кечади. Яқинда тadbирда бир ҳуқуқшунос аёл шундай воқеани гапириб берганди: Бир бола онасига туғилган кунда мактабга бормаيمان, деб йиғлабди. Онасига “менинг туғилган кунимни йўқ деб ҳисобланглар”, дебди. Ҳар йили отасини лоақал туғилган кунда кириб келишини кутаркан. Сабабини сўраса “ўртоқларимдан уяламан, уларга дадам туғилган кунимда келади”, деб мактанганман, деркан. Кейин ўша ҳуқуқшунос аёл болага мактуб ёзибди, гўёки отасининг номидан, совға олибди, отанг бериб юборди, деб ёлгон гапирибди. Аслида у эркак аллақачон бошқа оиласи билан эмиш. Мана отасига зор қандай болалар бор ораимизда.

Хориж нашрларидан бирида яқинда ўқиб қолган воқеа мени ларзага солди. Мана ҳақиқий инсонийлик, мана ҳақиқий ота. “Арслон менинг ягона ўғлим. У менинг ягона фарзандим. Менинг бошқа болам йўқ. Ўғилчам Ўзбекистонда, мендан йироқда қолар экан, мен уни тарбия қила олмайман. У ўз оиласи, ўз отаси кимлигини билмай ўсади, чунки онаси менга уни кўришга рухсат бермаяпти.” Тўрт яшар Арслон Франция ва Ўзбекистон ўртасида талаш бўлаяпти. Арслоннинг тақдири икки давлатнинг энг юқори даражали идоралари эътиборига тушган, мактублар алмашинган, суд ишлари бўлиб ўтган, ўзбек ва француз қонунлари тўқнашган, аммо боланинг тақдири мавҳум қолмоқда.

Хориж журналистининг суриштируви, боланинг отаси тақдим қилган ҳужжатлар, унинг Франция ва Ўзбекистон ҳукумати билан ёзишмалари, ҳамда хориж сайтнинг Ўзбекистон ҳукумати билан олиб борган мулоқотларига асосланган мақолада таъкидланишича, франциялик мусиқашунос Сильван

## TUSHIRMANG!

Ота ким? Ота мард, кучли, гурурли оила бошлиғи. Оиланинг устун. Фарзандлари унга ишонади, суянади, отаси уларни ҳар қандай офатдан, балодан сақлашига ишонгани учун хотиржам яшайди. Грузиялик машхур ўқитувчи ва психолог Шалва Амонашвили “Отанинг ўғилга иккоролиги” китобида ота ҳақида шундай ёзади: “Сенинг туғилишинг бир вақтнинг ўзида онанинг ва даданинг туғилиши эди. Менинг туғилишим эди. Отанинг туғилиши эди. Ота бўлиш нимани англатади?”



**С**ильван Руа ўғли билан хотини Тошкентга кетиб қолганини эшитгач бир неча кун овқат емайди, ухламайди. Уч йил бўлишига қарамай унинг хотираси билан яшайди, суратини доимо ёнида сақлайди, кўчада унинг ёшидаги болаларни кўриб қолса ғамдан эзилади. Бу айрилик ҳаттоки саксон ёшли франциялик чол яъни бобонинг ҳам қаддини букади.

Руа ўзбек мусиқаси ҳақидаги илмий иши учун 2013 ва 2014 йилларда етти ойни Ўзбекистонда ўтказар экан, у ерда тошкентлик Камилла Гайсина билан турмуш қуради ва маълум муддатдан кейин ажрашади. Бола Францияда туғилганига қарамай онаси уни Ўзбекистонга олиб кетиб қолади. Ана шундан бери унинг отаси – А Сильван Руа боласини қайтариб олиш учун ҳатто Президентгача мурожаат қилади. Сильван Руа ўғлини кўриш учун Ўзбекистонга бир неча марта борганига, лекин бунда қатор тўсиқларга дуч келганини айтади: “2018 йилнинг 29 августида Ўзбекистон маданият вазирлиги мени франциялик этномусиқашунос сифатида Мақом фестивалида иштирок этишга таклиф қилди. Бу ўғлимни кўришим учун ажойиб имконият эди. Юнусободга келиб, Камилла яшаётган онаси хонадони кўнғирогини босдим. У тушман дедию тушмади. Унинг ўрнига Али исмли эркак тушди. У Исломий қойдаларга кўра, мен унинг бўлғуси хотини билан учраша олмаслигимни айтди. Ҳайрон бўлдим, у ҳалиям менинг хотиним эди-ку? У ўғлимни ҳам кўра билмаслигимни айтди. Бу мен учун жуда оғир эди. У эшикни тўсиб, киришимга қўймади ва мен ортга қайтдим. Икки кундан кейин участка нозирни билан бордим. Камилла ўшанда эшикни очишга калити бўлмаганини рўқач қилди. Ичкарида эса боланинг йиғлаётгани эшитиларди. Бу жуда оғир эди мен учун. Сўнг, Камилла нотўғри иш қилганини аниқладими, билмадим, кечқурун соат 22 да Шимолий вокзал қаршисида у билан 45 дақиқа учрашимизга рухсат берди. Шу билан ўғлимга совғалар бериб, бағримга боса олдим. Йўқдан кўра, шунисига ҳам рози эдим.”, дейди мухбирга берган интервьюсида.

Сильван Руа ўғли билан хотини Тошкентга кетиб қолганини эшитгач бир неча кун овқат емайди, ухламайди. Уч йил бўлишига қарамай унинг хотираси билан яшайди, суратини доимо ёнида сақлайди, кўчада унинг ёшидаги болаларни кўриб қолса ғамдан эзилади. Бу айрилик ҳаттоки саксон ёшли франциялик чол яъни бобонинг ҳам қаддини букади. Агар соғлиги панд бермай 11 соат самолётда учшига кўзи етганида неварасини албатта бориб кўришга розилигини, соғинганини айтади. “Руа шажарамизни давом эттира оладиган ягона ўғил, болалигида, ўсиб улғаяётганда ёнида бўлсам”, дея таъкидлайди бобоси.

Аmmo ҳозирда ўғли билан ҳатто видео орқали суҳбатлашишга имкон берилмаяпти. Руа ўз боласи ёнида бўлиш учун унинг онаси Камилла Гайсинага ҳам Францияда яшашга ёрдам беришга тайёрман деди ва Ўзбекистон Президентига мурожаат қилди. Қаранг, нақадиқ олжаноблик. Ҳаттоки болани кўриб туриш учун унинг онасига Францияда шароит яратиб бермоқчи.

Шуларни мулоҳаза қилиб ўтирарканман, яна бир воқеа одамни ўйга солади. Ўзбекистонда оиласини ташлаб хорижга ишлашга кетган бир ҳамюртимиз у ёқда бошқа аёлга уйланган хотинини икки боласи билан ташлаб оиласига қайтиб келибди. Наҳотки оила қуриш ва ундан воз кечиб шунчалар осон бўлса. Бунга нима сабаб. Бунга аввало, нотўғри тарбия, уйдаги муҳит, отанинг оилада ўрни йўқлиги сабаб. Оналар ўғилларига келинини биронинг фарзанди уни бахтли қилишинг керак деб бирон марта айтармикан. Бундай одамларнинг оталари фарзандларига масъулият ва бurch тушуниқсизда ўзлари ўртак бўла олганмиканлар? Ахир фарзандларимиз бизнинг нафақат ўргатганларимиз, балки юриш-туришимиздан ҳам ўртак оладилар. Кўпинча оилавий жанжалларда ота она томонидан ўғил олдиға шундай шарт қўйлади: “Бизни десанг ажрасан”. Шундай пайтда ўйлайсан, наҳотки дунёга келган боланинг қадрни бўлмаса, наҳотки ота-оналар ўзларининг бадин ва худбинона истаклари туйфайли невараларининг отасиз ўсиши қизиқтирмаса. Бирам беўхшов мақолами бор: “Бола белда, хотин йўлда”. Мана шундай қарашлардан қутула олмас эканмиз, ҳали кўп бола етим бўлади, кўп аёл бева бўлади. Оила муқаддас деган тушунчалар оддий қийматсиз сўзга айланади. Оила муқаддас бўлмагач ота деган шарафли ном ҳам ўз қадрини йўқотди. Биз эса ҳар бир отанинг оилада ўз ўрни бўлишини истаймиш. Зеро машхур ўқитувчи Шалва Амонашвили айтган гапидан ҳар биримиз у каби ҳайқирганини келади: “Ота, шарафингизга эътибор беринг, чунки бу биз болаларга қолдирадиган энг қимматли меросдир!”

Барно СУЛТОНОВА





## TUG'RUQXONADAGI HOLAT

хомиладорлар хасталиги, чақалоқлар парвариши бўйича ўнлаб фикрларни юзага чиқарди

**Ярим тун, соат 2.00 да туғруқхонага шошилиб кириб келган ёш келин-куёвни шифокорлар ажабланиб қабул қилишди. Улар фарзанд ку-таётганга ўхшамасди, қолаверса, бемор кўриниши ҳам йўқ эди ёш келинда. Ярим тунда Оқдарё туманидаги туғруқхонага келишга ёш келин-куёвни нима мажбур қилди?**

Шифокорларнинг айтишича, хомиладорликни билш учун тест қилдирган, ammo унинг натижасини тушунмай, шифокорлардан маслаҳат олиш учун келган экан! Бу ёшларнинг фарзандли бўлишга қизиқиши ҳамда хомиладор аёлларга нисбатан оилаларда эътибор кучайганидан далolat беради, дея таъкидлашди шифокорлар.

Фақат бу эмас, Оқдарёда 2018 йилда қуриб фойдаланишга топширилган туғруқхона бўлими шифокорлари билан суҳбатлашганимда оналар саломатлиги, хомиладорлар ўртасида учраётган хасталиклар, яратилган шароитлар бўйича фикрлар билдиришди.

#### Туғруқхона янги, шароит етарли, ammo ўрин кам...

– Янги қуриб ишга туширилган туғруқхонада барча шароитлар муҳайё эканлигидан табиийки аҳоли хурсанд, – дейди Оқдарё туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ бўлими мудир Хулкар Равшанова. – Лекин туғруқ бўлимидаги 95 ўринда юздан зиёд оналар бор. Ёз ойларида бу кўрсаткич 140 нафаргача етади. Гинекология бўлими эса 15 беморга мўлжалланган, ҳозир 25 нафар оналар даволанишяпти. Даволаниш учун келган оналарни қайтариб юбора олмаймиз. Шунинг учун ҳатто врачлар хонасини ҳам палатага айлан-тиришимизга тўғри келди. Тўғри, ҳозир карантин пайти фақат парваришга энг муҳтожлари даволанмоқда. Ammo бошқа пайтлари аҳвол жиддийроқ.

«Нега янги қурилган туғруқхонада ўринлар сони ҳам илгаригидай кам», деган саволимга бўлим мудир лойиҳа анча олдин тузилган, балки шунинг учун-дир, деб жавоб берди. Агар мулоҳаза юритадиган бўлсак, Оқдарё туманига қарашли Даҳбед ва Бешдархон ҳудуд аҳолиси шаҳар яқинлиги сабабли шифо учун ҳам, туғруқ учун ҳам туман марказига эмас, Самарқанд шаҳрига келишди. Жойлашув жиҳатидан уларга шу қулай. Бу каби муассасалар қурилишида аҳолининг ўсиш сони наҳотки эътиборга олинмаган бўлса?

#### Ҳомила нега ривожланмай қоляпти?

Яқинда туман тиббиёт врачлари хузурига келган қайнота келиннинг ҳомилиси кетма-кет нобуд бўлаётганидан шикоят қилди. Шифокорларни бунда айблади ҳатто. Агар шифокорлар айбдор бўлмаса, унда нега бу ҳолат содир бўляпти, дея келиннинг «айби»ни исботлаб беришни талаб қилди.

– Кейинги пайтларда хомиладор аёлларда хомиланинг ривожланмай қолиш ҳолатлари жуда катта кўрсаткични ташкил қиляпти, – дея суҳбатни давом



этиради Х.Равшанова. – Авваллари асосан икки ойликча хомиланинг тушиш ёки бошқа бир нуқсонли жиҳатлар аниқланган бўлса, ҳозир ҳатто олти ойликда ҳам хомиланинг ривожланмай қолиб, она қорнида нобуд бўляпти. Гарчи ушбу хомиладор аёллар ўз вақтида

врач

минланиши туфайлидир. Неантолог шифокор бунга яна қўшимча фикрларни ҳам билдирди.

– Афсуски, бугун туғилаётган чақалоқларнинг ўнтасидан етти нафари қўшимча муолажаларга, парваришга муҳтож, – дейди неантолог шифокор Соима Маматова. – Бунинг сабаблари жуда кўп. Оналарнинг ўзи соғлом эмаслиги, организмдаги турли инфекцияларни ўз вақтида даволамаслиги туфайлидир.

Айтиш керакки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби оналар соғлигини бошланғич даврида муҳофаза қилиш учун тизим бор. Қишлоқ врачлик пунктидаёқ назоратга олинган хомиладор аёллар доимий равишда врач назоратида бўлиб туради. Вақти келгач, туман скрининг хонасида кўриқдан ўтади. Агар бу ҳам етарли бўлмаса, вилоят скрининг марказига жўнатилади.

#### Вилоят шифокор-олимлари нима дейди?

Оқдарёлик шифокорлар айтаётган муаммолар биргина ушбу туманда эмас, бошқа ҳудудларда ҳам кўп учрайди. Хўш, бу ҳолатлар олимлар томонидан ўрганилаяптими, нима учун ҳомила ривожланмай, она қорнида нобуд бўляпти? Бунга ростдан ҳам фақат инфекция сабабчиси ёки бошқа ҳолатларми? Бу ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-акушерлик ва гинекология кафедраси ўқитувчилари билан суҳбатлашдик.

– Инсон организмни ўрганиш бўйича фундаментал билимлар ўзгармаса-да, ammo тиббиётда даволаш ишлари йилдан-йилга такомиллаштириб боришмоқда, – дейди мазкур кафедра

мудир, тиббиёт фанлари доктори Дилдора Худоёрова. – Замонавий диагностика самарадорлигининг ошиши, янгидан-янги препаратларнинг ишлаб чиқилаётгани касалликларни даволашда, хусусан, оналар саломатлигини муҳофаза қилишда ҳам жаҳон стандартларига мос тарзда такомиллаштириб борилишини тақозо қилади. Ушбу стандартлар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам жорий этилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Табиийки, ўз устида ишлаб, янгилардан бохабар бўлаётган врач бу стандартларни қўллаши керак. Афсуски, юқоридаги янгилар кўйи тизимга ўз вақтида етиб бормаслиги, шифокорларнинг ўз устида изланишига имкон бўлмаслиги, врачлар малакасини ошириш курслари афсуски бугунги кун талабига жавоб бермаслигини кўпчилик яхши билади. Бу масалада институтимиз, хусусан, кафедрамиз ўқитувчиларнинг қатор лойиҳалари бор. Мисол учун вилоятда симуляцион марказ ташкил этилса, нафақат оналик ва болалик масалалари, балки тиббиётнинг бошқа соҳалари бўйича шифокорларнинг ўзаро тажриба алмашиувини жойида ўтириб, онлайн тарзда амалга ошириш мумкин. Шунингдек, бугун гарчи скрининг текширувлари натижа-сида ташқи нуқсонлар аниқланаётган бўлса, ақлий ривожланишдан ортада қолиш каби ички хасталикларни ҳам хомиладорликдаёқ аниқлайдиган ускунанинг Самарқандда мавжуд эмаслиги муаммага сабаб бўляпти. Ушбу жиҳоз фақат пойтахтда мавжуд бўлиб, ундан ўтишга барчанинг ҳам имконияти етарли эмас, нархи қимматроқ. Шунинг учун лойиҳамиз тасдиқланиб, мазкур жиҳоз вилоят учун ажратилса, нуқсонли болалар туғилишининг олди олинарди.

– Тўғри, ҳомила ўз вақтида ривожланмай нобуд бўлишига турли инфекциялар ҳам сабабчи бўлиши мумкин, – дейди тиббиёт фанлари номзоди Гулнора Элтазарова. – Қолаверса, кўплаб турли хасталиклар ҳам таъсир қилиши мумкин. Ammo бош омилардан бири она организмнинг етарли қувватга эга эмаслигидадир. Бугунги экология, сунъий озик-овқатлар истеъмоли организмга салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Аксарият оналар ҳамон анемиядан азият чекади. Бугун оналарни табиий маҳсулотлардан кўпроқ, ўз вақтида истеъмоли қилишга чақирамиз. Умуман, фарзандларимиз учун соғлом овқатланиш тартибини ёш-

ликдан йўлга қўйиб, табиий маҳсулотлар истеъмолига ўтмас эканимиз, нафақат оналар, балки аҳоли ўртасида ҳам касалликлар сони кўпайиб бораверади. Лойиҳада бу рацион ҳақида батафсил тўхталганмиз. Қишлоқ аҳолиси ҳовлисидаги дарахлардан мева қоқиларини истеъмоли қилиши витаминлар манбаидир. Хомиладорлик пайти оналар организмни қўшимча озукалар, микроэлементларга муҳтож бўлади. Шифокор таъсири билан витаминлар ичиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ. Яна бир муҳим жиҳати, она организм соғлом бўлса, инфекциянинг ҳам кучи етмайди.

Гулмуҳ МЎМИНОВА,  
Самарқанд вилояти



лар кўригидан ўтиб борган бўлишига қарамай, бу ҳолатнинг юз бераётганига турли инфекциялар сабабчи, деб ўйлайман.

Дарвоқе, туманда инфекцияларни текшириш учун тегишли ускуна йўқ, фақат хусусий клиникадагина бундай имконият мавжуд экан.

#### Чақалоқларнинг ўнтадан еттаси муолажага муҳтож.

Бундан икки-уч йил илгари туғруқхоналардаги шароит билан танишиш мақсадида борганимда аксарият ҳолларда чақалоқлар бўлимидаги замонавий жиҳозланган палатада деярли гўдаклар бўлмасди. Бу сафар бошқача ҳолатга дуч келдим: хонадаги барча замонавий бейбистерм деб номланувчи, болага етарлича ҳаво ҳароратини таъминлаб, дори-дармонларни узлуксиз етказиб турувчи жиҳозларнинг барчасида гўдаклар ётқизилган экан. Эҳтимол, электр энергиясининг узлуксиз таъ-

“ Яқинда туман тиббиёт врачлари хузурига келган қайнота келиннинг ҳомилиси кетма-кет нобуд бўлаётганидан шикоят қилди. Шифокорларни бунда айблади ҳатто. Агар шифокорлар айбдор бўлмаса, унда нега бу ҳолат содир бўляпти, дея келиннинг «айби»ни исботлаб беришни талаб қилди.

“Номинг ўчсин, уруш!”. Бу кўпларнинг нафратига учраган, юрагидан отилиб чиққан фарёд! Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари кўпларнинг ёстигини қуритгани тарихдан маълум. Аёллар бева, фарзандлар отасиз қолган.



Кўплаб оилалар очликда, камбағалликда кун кечирган. Энг аянчлиси, уруш ҳар бир оиланинг хурсандчилигини, бахтини олиб қўйган. Режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов томонидан суратга олинган “Илҳақ” бадиий фильми ҳам иккинчи жаҳон урушида беш фарзандини йўқотган ўзбек аёли Зулфия Зокированынг хотирасига бағишланади.

Турмуш ўртоғидан эрта айрилган Зулфия ая беш ўглини ёлғизликда вояга етказиб, уй-жойли қилиб, энди роҳатда яшайман, деганда уруш бошланади. Ўғилларини урушга юборган она келинлари билан рўзгор тебрата бошлайди. Келинларнинг ички кечинмаларини қайнона эмас, АЁЛ бўлиб тушунишга ҳаракат қилади, қалбидаги яра уларникиданда юксак бўлса-да, келинларига далда бўлади. Фильмда қайнона ва келин ролларига танлаб олинган актрисалар биз таниган таниқиллар бўлмаса-да, ролларини эсда қоларли ва қалбга етадиган қилиб маҳорат билан ижро этишган.

**Актрисаларимиз ўз қаҳрамонлари ҳақида:**

**Лазокат келин (Маърифат Ортиқова):**

Лазокатнинг Зулфия ая оиласига келин бўлиб келганига анча бўлган. Қайниларини укасидек, овсинларини сингилларидек ардоқлайди. Келинлар ичида жазавали, қаҳри тез аёл. Буни Чори хат олиб келганида уни “шумқадам” дея ҳақоратлаганида, Ҳидоятга Муҳаммаджоннинг ўртоғи “оғиз солганида” жаҳли чиқиб, аёллар билан уни дўппослаб кетганида кўриш мумкин. Ҳар қандай тушкунликни қайнонаси каби чидам ва бардош билан енгади.

**Ҳамронисо келин (Дилнавоз Аҳмедова):**

Қаҳрамоним Ҳамронисо сабрли, ои-

лапарвар, меҳрибон она тимсолида гавдаланган. Келинлар ичида ягона дардини ким биландир бўлиша олмаган келин. У фақат ёлғизликда уруш бошига солган кулфатларни енгилга ҳаракат қилади. Турмуш ўртоғига садоқатли рафиқа, қайнонасининг “забонсиз” келини, урушнинг эса бегуноҳ “қурбон”и! Фильмда барча келинлар қатори Ҳамронисо ҳам турмуш ўртоғидан қорахат олади. Икки ҳолатдагина яъни, эри урушга қақирилганда ва ундан қорахат келганда Ҳамронисо бу айрилиқ билан ёлғиз курашади. Аёл сифатида қаҳрамонининг айрим ижобий фазилатларини ўзимга ўрнатиб қилиб олдим. Ҳамронисонинг бошқа келинларга қараганда сабр-бардошининг чегараси йўқ! Қаҳрамоним кўз олдимда вафо ва садоқатни илгари сурган суюкли рафиқа тимсолида қолди.

**Ҳидоят келин (Дилрабо Мирзаева):**

Келинлар ичида Ҳидоят ҳаётда жуда қийналган. Қаҳрамонининг бошига тушган савдоларидан бири унинг иккита фарзанди туғилибоқ нобуд бўлгани. Бу ҳам етмагандай уруш бошланиб, Ҳидоят ҳам бошқалар сингари турмуш ўртоғини фронтга юборади. Вақт ўтиб турмуш ўртоғи урушдан яраланиб келиши уни хурсанд қилган. Ҳар ҳолда қорахат олмадикму дея қувонган. Аммо кейин эрининг иккинчи марта урушга отланиши унда хавотир уйғотади. Кўнгли нимадир сезгандек, урушдан нафратланиб кетади. Турмуш ўртоғидан келган машъум хабар унинг

Ўғилларини урушга юборган она келинлари билан рўзгор тебрата бошлайди. Келинларининг ички кечинмаларини қайнона эмас, АЁЛ бўлиб тушунишга ҳаракат қилади, қалбидаги яра уларникиданда юксак бўлса-да, келинларига далда бўлади.



## “ILHAQ” dagi ilhaq kelinlar...

дан фойдаланилгани санъатшунос сифатида эътиборимни тортди ва маъқул келди. Ранглар мавзуга мос тушган, рассом маҳорати сезилган. Аммо айрим сахналар уруш мавзусида суратга олинган илгариги фильмлардаги аналарни эслатади.

Масалан, қаҳрамонларнинг қамалда қолиши ва “Қарғалар учса қарайлик...” кўшигини айтиб, душманни қақриши бироз бўрттирилган ва бу каби сахналар уруш мавзусида суратга олинган бошқа фильмлардаги айрим сахналарни ҳам ёдга солади. Бир сўз билан айтганда, она образи, аёллар образи уруш сахналарига нисбатан кўпроқ ҳаққоний, ишонарли очиб берилган. Шунга қарамай, сўнги пайтларда авж олган саёз фильмлар ичидан ярқ этиб чиққан “Илҳақ” ўзбек киносини маълум маънода бир поғонага кўтара олди, деб айтиш мумкин.

**Шоҳира Ҳамро:**

Фильмда биргина жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган инсон бор. Лекин у қаҳрамон. Очиги “ўз устидан кулишни билмаган халқ, ожиздир” деган гапни кинога кўчиб, довдир, овар, аҳмоқ қилиб кўрсатилишига қаршиман. Лекин Чори менинг қаҳрамоним. Бу ролни актёр Раҳматилла Қурбонов маҳорат билан ижро этган. Яна Мэлиснинг асли исми Нурмуҳаммад эди. Лекин унга Нурмуҳаммад бўлишга йўл беришмади. У ўз йўлида боришни, қаҳрамон бўлиб, қизнинг муҳаббатига эришишни истади. Ўзи бўлиб яшашига отаси имкон бермади. Уни уруш эмас отасининг иддаолари ўлдирди. Бу роль қаҳрамонини ҳозирги замонда ҳам отасининг орзу-ҳаваслари қурбони бўлаётган, ўз “мени” йўқ, йигитлар орасида учратиш мумкин.

**Нилуфар МУРОДОВА.**

руҳиятига жуда қаттиқ таъсир қилади. Шундай пайтларда қайнонасидан куч олиб, унга ўхшашига ҳаракат қилади.

**Роҳатой келин (Хуршида Сағатова):**

Турмуш қурганига ҳали ҳеч қанча бўлмай, Роҳатой эридан эрта ажралади. Ваҳобжондан қорахат келган кун унинг ҳам ёш севгиси “ўлади”. Уруш барча аёллар сингари унинг ҳам меҳрга зор қалбига нафрат уруғини экади. Бора-бора у пешонасига битилган қисматга кўнишга мажбур бўлади. Бешафқат тақдир уни “қўлоқсиз, бошсиз, юраксиз” қолдиради. Узини жонсиз танадек ҳис қилади. Вақт ўтиб Роҳатой ҳам овсинлари сингари қайнонасидан куч олишга, сабрли бўлишга интилади.

Фильм эфирга узатилгач, ижтимоий тармоқларда фильмга жуда яхши муносабатлар билдирилди.

**Илмира Раҳматуллаева, санъатшунослик фанлари номзоди:**

— Фильмни аввал томошабин, кейин мутахассис сифатида икки марта томоша қилдим. Шунда англаб етдимки, ҳар қандай томошабин биринчи марта фильмни кўрганида ҳаяжон билан томоша қилади. Унга камчиликлари кўринмайди. Кейинги сафарларида эса тафаккур билан кўради, ўйлайди, таҳлил қилади. Уруш ҳақидаги кинолар кўп, улардан энг шедеврлари этиб “Сен етим эмассан”, “Жангга кексалар киради”, “Хур қизлар” каби фильмларни айтишимиз мумкин. Уларни оқ-қора тасвирда олинган бўлса ҳам 30-40 йилдан буюн севиб томоша қиламиз. Асп бўёқдорлик йиллар ўтса ҳам хира тортмайди. “Илҳақ”да тўқ кўк ранглар-







## “IGNA UCHIDAGI BAXT”

**А**слида, оиласи, қайнона-қайнотаси ҳақида нолиган бирорта келинни кўрсам, тўғриси жаҳлим чиқарди. Оилавий сирини ошкор қилаётгандек эди гўё. Аммо шундай вазият бўларканки, ичингда нимадир “портлаб” кетаркан. Нима бўлса ҳам мактубимни эътиборсиз қолдирмайсиз деган умиддаман. Сабаби, мен қабиқийналаётган келинлар кўп.

Турмуш курганимизга уч йилдан ошди. Тирноққа зоримиз. Илк бор турмуш ўртоғим билан пойтахтда, талабалик йиллари танишганмиз. Иккимиз ҳам бир университетнинг бошқа-бошқа факультетларини тугатганмиз. Ўқишимизнинг охириги йили, бошқа талабалар турар жойида таъмирлаш ишлари бошлангани учун икки факультет талабаларини бир ётоқхонага жойлаштиришди. Турмуш ўртоғимни шу тарикда таниганман. Билишимча улар мени бир неча ой кузатиб юрган эканлар. Бир куни:

– Кечирасиз, инглиз тилини яхши билар экансиз. Бирга дарс қилса бўладими? – деб сўради. Ўша йили мен инглиз тилидан IELTSдан юқори балл олгандим. Йўқ деёлмадим. Бир неча бор ётоқхона кутубхонасида бирга дарс қилдик. Инглиз тилидан раво гапирарди.

– Нуржаҳон, Қорақалпоғистондан Сурхондарёга келин бўлармидингиз, – дея сўради Жасур дабдурстан.

– Йўқ, миллатим қозоқ. Бизнинг урф-одатимиз, аъъанамиз бошқача. Яна қанча масофа бор, – дедим ҳеч иккиланмай. – Яна рақамимни бирорта дўстларингизга бериб юрманг. Қозоқ қизлар бошқача бўлади. Жаҳлим чиқса, кўрасиз, – дея кўшиб кўйдим. Жасур ака бу саволида айнан ўзини қийс қилганини сезмагандим. Хонадощларим “Жасур келиб сени сўради”, “Жасур гул олиб келди” ёки “Жасурга ширинлик тайинлаганимдинг, бериб кетди”, дейишса ҳам тушунмабман. Ўқишни тугатар вақтимиз Жасур менга совчи юбормоқчи эканини айтди. Рад жавобини бердим. Чунки оилавий шароитимиз мени Сурхон воҳасига узатмаслиги аниқ эди. Аммо ҳар куни йўлимни кутаганим Жасур бу гапларни ота-онасига айтганини, улар рози бўлишганини айтди. Бир тарафдан Жасурнинг тўпори феъли, кескир гапиришлари, кези келса ортиги билан меҳрибонлик қилиши мени ҳам ўзига асир айлаб қўйганди. Шундай қилиб ўша йилнинг куз ойларида тўйимиз бўлди.

Аваллига янги келинни “кўрди-кўрди”га келган меҳмонлар менга таажуб билан қарар, мени гапиришдан тўхташмасди. Бир куни турмуш ўртоғимнинг холаси меҳмонга келиб қолди. Келин салом қиларканман бошдан оёқ мендан кўз узмади. Кейин эса, мен билан совуққина сўрашди. Чой олиб кирсам қайнонамга:

– Жасуринг қанча қизнинг бирини ўпоқ деди, бирини сўпоқ. Мана қаёқдаги битта қозоқни олиб келиб ўтирибсан. Сенинг қозон-ўчоғингни эплотадими бу.

**Орадан олти ой ўтдики, менга оналик бахти насиб этмади. Эштишимча қўшнилариимиз ҳам чиқиб, қайнонамга: “Ҳозир боласи йўқ, вақти ҳайдаб юборинг-да. Кейин бирортасини етаклаб кетса, Жасур бутун умр алимент тўлаб юрадими?” – деб айтишар экан.**

Анча танноз кўринади. Бошидан ипини маҳкам ушла. Бўлмаса бошқаролмай қолсан, – деб ақл ўргатаётган экан. Аслида қайнона ҳам юшмоққина аёл эмасди. Ҳар доим ёлғиз қолишдан кўрқардим. Агар иккимиз қолсақ, ўғлимни мақтар, “қорагина ўғлимга тегаман дегани кўп эди. Қаёқданам сизни танлади. Бизни қанча пулга туширди”, деб кўп бора нолирди. Шунда ҳам бу гапларни бирор марта турмуш ўртоғимга, ёки яқинларимга айтмадим. Сабаби телефонда ҳам

уйимдагилар билан гаплашолмасдим. Ўша кундан телефон ишлатишни ман қилганди. Ота-онам тортинибгина қайнонамга кўнғироқ қилар, ёнларида салом-алиқдан нарина ўтмасдим. Аммо турмуш ўртоғимнинг меҳри, садоқати мени оиласидагиларни ҳам ҳурмат қилишимга чорларди. Қайнотам жуда яхши одам эди. Ҳар доим қайнонамга, “келинни кўп қийнама, бошқа муҳитда ўсан. Москва шунча ўргатгин”, – дердилар. Қайнонам бўлса, “фақат китоб ўқийвермасдан, рўзгорни ҳам ўргансин эди-да. Олий маълумотли бўлса ҳам овқат қилишни эплотмайди”, дерди. Аммо ўз удумимиздаги бешбармоқ, чалопни яхши қилардим. Чунки ўзимиз еб юрган овқат эди. Уларнинг рўзғорига мослашгунча қўлларимнинг кесилиши-ю куйиши ҳам тўхтамади. Ўшанда билгандим турмуш ўртоғим менга уйланиши учун оиласидагиларни кўндириш осон бўлмаганини...

– Нуржаҳон? – эрталабдан турмуш ўртоғимнинг жаҳл билан чақиршидан бирдан сесканиб кетдим. Ўша пайтда қайнотам санаторияга кетганди. Кундузи қайнонам иккимиз ёлғиз қоладик. Ошхонада сут пишираётгандим, тошиб кетмасин деб “ҳозир” дедим-у сутни шопириш билан овора бўлдим. Аммо беҳосдан қайнонамнинг гапи кўнглимга оғир ботди.

– Ана, кўрдингми? Ўн беш кунлик бўлса ҳам айтганингни қилмайди. Эри чақирганидан кейин чопиб чиқмайдими? – дедилар. Бадтар олов олган турмуш ўртоғим, овозини янада баландлатиб:

– Нуржаҳоон? – дея бақирдилар. Қўлимдаги чўмични қўйишга ҳам улгурмай чопиб чиқдим.

– Нега онамга овқат бермадингиз, кеча туз тотмабдилар. Тинчликми? Ёки рўзгорнинг таги кўриниб қолдими?

Бирор нима етмаса айтинг, ишдан келишга олиб келман, – дея босиклик билан тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Довдираб қолганимдан кеча тушликда нима овқат еганимиз эсимга ҳам келмай қолди. “Хўп” деганча ишимни қилишда давом этавердим. Балки қайнонамнинг ҳам нима овқат егани эсидан чиққандир деб ўйладим. Шундай қилиб ҳаётимиз давом этаверди. Мен оилада ёлғиз келин бўлганим учун ишга ҳам чиқмадим. Уй ишларини қилишга одам йўқ эди. Жасурнинг иккита укаси ҳам шаҳарда ўқишарди. Орадан олти ой ўтдики, менга оналик бахти насиб этмади. Эштишимча қўшнилариимиз ҳам чиқиб, қайнонамга: “Ҳозир боласи йўқ вақти ҳайдаб юборинг-да. Кейин бирортасини етаклаб кетса, Жасур бутун умр алимент тўлаб юрадими?” – деб айтишар экан. Турмуш ўртоғим эса, “Худо насиб қилган куни албатта фарзандимиз бўлади. Бунинг учун сиқилма” дердилар. Биз ёлғиз Худодан умид қилардик. Чунки бирор марта шифокорга учрашимизга руҳсат бермасди. Бир йил, икки йил ўтса ҳам Тангри бизга фарзанд бермади. Бир куни ота-онам меҳмонга келишди. Қайнонам ҳеч иккиланмай:

– Мана, қизингиз икки йилдан буён фарзандли бўлмади. Менинг ҳам набира суйгим келади. Мен ҳам буви бўлсам дейман. Яхшиси вақтида олиб ке-

тинглар, – дедилар. Ота-онам турмуш ўртоғимни ҳурмат қилишарди. Сабаби, тўйимиздан олдин дадам билан ўзлари кўп гаплашарди. Унинг одоби, меҳнатсеварлиги ота-онамни ҳамisha қувонтирарди. Қайнонамнинг гапларини қандай ҳолатда эшитдилар, билмадим.

– Қудажон, балки бир шифокорга кўрсатиб, даволатармиз. Боланинг, давлатнинг эрта-кечи йўқ дейишарди, – деди онам қимтинибгина.

– Қизингизни дўхтирма-дўхтир етаклаб юришга вақтим ҳам, пулим ҳам йўқ, Худога шукур, ўғлим соппа-соғ. Шу пайтгача бирор марта укол ҳам олмаган. Ҳамма айб қизингизда бўлса керак. Сизга керак бўлса даволатиб олинг, – дедилар. Шундай қилиб, турмуш ўртоғим ишдан келишига ҳам қарамай, дадам мени Қорақалпоғистонга олиб кетди. Дастлаб шифокорга учрашдик. Аммо менда шамоллаш ҳам, юкумли касаллик ҳам топилмади. Турмуш ўртоғимга кўнғироқ қилиб ҳаммасини батафсил тушунтирдим. Дадам ҳам,

“Жасурбек, ўғил бола оила устун. Кўнглингизни чўктирманг. Ота-она ҳамisha ҳақ. Майли, қизимни даволатаман. Кейин олиб кетаварсиз. Фақат Нуржаҳонни ёлғизлатиб қўйма”, дедилар. Бу вақтда фарзандли бўлишимизни ич-ичидан истаган турмуш ўртоғим ҳам шифокорга учрашибди. Қарангки, улاردан ҳам бирорта айб топилмади. Бир куни турмуш ўртоғимнинг ишхонадагилари агар фарзанд қутаётган бўлсангиз, яшаш манзилини алмаштириб кўринг дейишибди. Уларнинг гапларидан умид қилиб, мени Термиз шаҳрига олиб келдилар. Алоҳида квартира олиб яшай бошладик. Иккимизни ҳам умид боғлаб турарди. Негадир иккимизнинг ҳам меҳримиз ўзимизга қайтиб, бир-биримизга нисбатан муомаламиз ўзгарди. Аммо қайнонамнинг ҳар куни ўғлига кўнғироқ қилиб, “Яна ўша шайтонингни олиб келдинги, у сени иссиқ-совуқ қилиб олган. Бўлмаса, Тошкентда шунча қиз бўла туриб, шуни танларимдинг”, дея гапириб қўймасдилар.

Яна ичимизга гулгула тушарди. Шунда ҳам келин бўлиб уларнинг хизматини қилолмаётганимдан афсусланардим.

Мана, алоҳида яшаётганимизга беш ойдан ошди. Аммо бу вақтда қайнонам қариндошлари билан уч, тўрт марта келиб “ўғлимни тинч қўй” деб жанжал қилиб кетди. Бошимни қаерга уришни билмайман. Турмуш ўртоғим қанчалик мени яхши кўрмасин, барибир онасининг айтгани бўлади. Ҳеч бир она боласига ёмонлик тиламас. Турмуш ўртоғимга ҳаммасини тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрдим.

– Жасур ака, уйдагиларнинг айтганини қилганимиз яхшидир. Балки ажримга ариза берармик... – дейишимни биламан, турмуш ўртоғим тутаклиб кетдилар.

– Мен ажрашиш учун уйланганим йўқ. Истасангиз кетаверинг. Агар фарзандимиз бўлмаётганини рўқач қилмоқчи бўлсангиз, бугеги Аллоҳдан. Сабр қилсангиз, сизни ёлғиз қолдирмайман, – дедилар. Шу гаплари яна ичимда ўлиб бораётган умиддан қайта жонлангирди. Лекин қайнонамнинг ишларини тушунмайман. Худди ҳаётим игна учиде тургандек туюлади. Нима қилишни билмайман. Азизлар, маслаҳат берсангиз, қандай йўл тутаё, нима қилаё?

**Нуржаҳоннинг сўзларини Кумуш оққа кўчирди.**

# UY MUZEYLARGA BORGAN MISIZ?

**Б**ирор тарихий, жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаган шахс ҳақида сўз юритар эканмиз, беихтиёр у қандай уйда яшаган, қандай шароитда илҳомланган, куч олган, бўш вақтини қандай ўтказган. Умуман, кўпларни истеъдоди билан ҳайратлантира олган улугларнинг оддий инсон сифатида қандай бўлганликларига қизиқиш қоламиз.



**А**хир асарлари билан сизни йиғлатган, қувонтирган маҳоратли адиб мўъжаз ҳовлисида худди сизнинг гулхонангиздаги каби атиргулларни парваришлаган, сиз каби тонгда райҳон бўйларидан баҳра олишни севган, дарсхонангиздаги столнинг эгизаги қаршисида ўтириб, ижод қилган бўлиши мумкин. Буни билиш, кумирингиз билан умумий нималардир борлигидан хабардор бўлиш қанчалик мароқли. Юқоридаги каби саволларга жавоб топиш, севимли тарихий сиймонгизга бир оз бўлсада, яқинлашишда уй-музейларини зиёрат қилиш аини муддао.

## Ойбек уй-музейи

Тошкентнинг "Ишчилар шаҳарчаси" деб аталган даҳаларидан бирида илм-фан ва маданият аҳли учун табаррук маскан бор. Бу даргоҳда 1940-1968 йилларда, яъни ҳаётининг сўнги дақиқаларига қадар буюк ўзбек адиби ва жамоат арбоби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек яшаб, ижод қилган.

Ойбек барҳаёт чоғидаёқ эл-юрт ўртасида нафақат буюк адиб ва буюк инсон сифатида машҳур бўлгани учун, халқона ибора билан айтганда, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган тошкентликлар ҳам, пойтахтимизга яқин ва олис юртлардан келган адабиёт мухлислари ҳам шу хонадонга келиб, ўзбек адабиётининг бу порлоқ сиймосини зиёрат қилишни ўзлари учун фахр деб ҳисоблаганлар. Москва ва Киев, Тбилиси ва Боку, Алма-ота ва Ашхобод сингари шаҳарлардан келган атоқли ёзувчилар, таржимонлар ва адабиётшунос олимлар эса бу хонадонда Ойбек билан бўлиб ўтган суҳбатларни ҳаётларининг унутилмас дақиқалари сифатида ёд этиб яшаганлар.

Ойбек 1905 йил 10 январда Тошкент шаҳрининг Гавкуш маҳалласида дунёга келган. Бу маҳалла Ўзбекистон Миллий академик драма театрининг биноси ўрнида жойлашган эди. Бўлажак адиб тор ва илон изи янглиғ эгри-бугри маҳалладаги ғариб бир оилادا туғилганлиги учун таълим ва тарбия техникумининг ётоқхонасида яшаб ўқиган. Оила қурганидан кейин эса Тошкентнинг 4 даҳасида, ижара уйларда умр кечирган. Ниҳоят, 1940 йили давлат фан ва маданият ходимларига ҳам ер тақсимлаб бера бошлаганида, унга ҳам 600 квадрат метрли ер нақиб этган. Адибнинг рафиқаси Зарифахоним Саидносирова курилишининг ҳам "архитектур"и, ҳам "прораб"и, Ойбекнинг ўзи эса ҳам пул топувчи, ҳам эски, қингир-қийшиқ миҳларга "янги ҳаёт" бағишловчи "чилангар" сифатида усталар билан бирга ишлаб, ўша йилнинг 30 декабрида янги уйга бир амаллаб кириб олишган.



"Бу, бахтли кунларимизнинг бири эди, – деб хотирлаган Зарифахоним ўша "тарихий" кунни. – Уй ҳали битмаган, фақат икки хонанинг ганчи, шипи, саҳни тайёр эди. Бошқа хоналарни ҳолимизга қараб, кўлимизга пул тушганда, тахта олиб, фанер олиб, ярим йил давомида би-тириб олдик..."

Уй қад кўтарган машаққатли йилларда ҳали ҳамма иморатлар курилиб, йўлу йўлақлар аниқ қиёфа касб этмаган эди. Шу туфайли кўча "Проектная" – "Лойиҳа" кўчаси деб аталган. Ҳозир шу кўчага "1-Ифтихор" номи берилган. Агар шу кўча бўйлаб уч-тўрт дақиқа юрсангиз, 26-уй келади. Катта дарвозанинг сўл тарафидаги деворга буюк ўзбек адиби Ойбекнинг 1940-1968 йилларда шу уйда истиқомат қилганлиги ҳақида лавҳа осилган.

## Ўрол Тансиқбоев уй-музейи

Мана кўп йиллардирки шаҳарнинг кўп қаватли бинолари шовқин-суронли ҳовлисида таниқли халқ рассоми Ўрол Тансиқбоевнинг уй-музейи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур хотира уй-музейи 1981 йилда очилган бўлиб, устахона, меҳмонхона, ётоқхона, ишхона, айвон ҳамда турфа хил гуллар ва ўсимликлар кўрениб турган пешайвон-



ни ўз ичига олган. Бугунги кунда музей экспозициясида рассом қаламига мансуб 400 дан ортиқ асарлар мавжуд. Мазкур уйда буюк рассом яшаб ўтгани хотирасига 1976 йилда хотира-устахонаси очилган. Унда рассом ижод намуналари экспозицияси, рассом ҳаёти ва ижодига оид ҳужжатли материаллар, молберт, буюқлар учун столчалар, фотоҳужжатлар ва мусаввирнинг чет эл музейларида сақланаётган асарларидан нусхалар бор.

## Абдулла Қаҳҳор уй-музейи

Уй-музей 4 та залдан ташкил топган. Уларнинг ҳар бирида ёзувчининг ҳаёт ва ижод йўли акс этган. Абдулла Қаҳҳор 1907 йил 17 сентябрда Кўқон шаҳрида таваллуд топган. Унинг оиласи тез-тез жойдан-жойга




*Албатта, бу республикамиз ҳудудидаги уй-музейларнинг бир қисми, холос. Азим пойтахтимиз ва юртимизнинг сўлим гўшаларида ҳордиқ чиқаришни фойдали машғулотга айлантирмоқ истагидаги сайёҳларга мунтазир яна қанчадан қанча жойлар бор.*

кўчиб юришарди. У ёзувчилик фаолиятини йигирманчи йиллар бошларида Кўқон педагогика билим юртида ўқиб юрган пайтларида бошлаган. Унинг илк асари "Муштум" ҳажвий журналида чоп этилган. У "Янги Фарғона" газетасида талабаликдан масъул котибликкача кўтарилди. Газетанинг "Чигирик" ҳажвий бўлимида уч ой ичида унинг йигирмадан ортиқ фельетонлари чоп этилган.

## Мухтор Ашрафий уй-музейи

Музей 1965 йилдан 1975 йилгача Мухтор Ашрафий яшаб, ижод этган хонадонда жойлашган.



"Севги тумори", "Темур Малик" асарлари айнан мана шу ерда яратилган. Музей тўплами Мухтор Ашрафийнинг шахсий архивини ўз ичига олган. Бу ерда шунингдек, қимматбаҳо кўлэмалар, фотосуратлар, ҳужжатлар, спектакл дастурлари, китоблар, нота наشرлари, грампластинкалар, ўзбек муסיкий чолғуси тўплами мавжуд. Экспозицияда шу билан бир қаторда "Бўрон" биринчи миллий операси материаллари ҳам бор.

## Юнус Ражабий уй-музейи

Ўзбекистон халқ артисти, таниқли ҳофиз, бастакор ва ўзбек халқ муסיқаси тузувчиси Юнус Ражабий уй-музейи 1997 йилда ўғли Ҳасан Ражабий томонидан ташкил қилинган. Халқ ардоқлаган ҳофиз умрининг охириги 20 йиллини айнан шу ерда ўтказган. У бутун умрини Шошмақомни ўрганишга бағишлаган. Ўзбек классик халқ муסיкий-чолғу асари "Шошмақом" 6



бўлимдан иборат бўлиб, булар: Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сеғоҳ, Рост, Ироқ.

Албатта, бу республикамиз ҳудудидаги уй-музейларнинг бир қисми, холос. Азим пойтахтимиз ва юртимизнинг сўлим гўшаларида ҳордиқ чиқаришни фойдали машғулотга айлантирмоқ истагидаги сайёҳларга мунтазир яна қанчадан қанча жойлар бор. Жумладан, Бухорода бўлсангиз – Файзулла Хўжаев, Самарқанд томонларга йўлингиз тушганда Эргаш шоир Жуманбулбул ўғли, Садриддин Айнийнинг уй-музейларига албатта, кириб ўтинг, афсусланмайсиз.

Гулноза тайёрлади.

